



СССР ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН.

◆ 24 март 1970 йил, сешанба ◆ № 69 (14.535). ◆ Баҳос 2 тийин.



ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАР! * Ерни чигит экишга сифатли тайёрланг * Техника мавсумга тохт қилинсин * Далага кўплаб маҳаллий ўғит чиқаринг.

ЧОРВАДОРЛАР! * Қўзиладиш давом этмоқда * Бу йилги

қулай об-ҳаво шароитида илғор чўпонлардан ибрат олиб, ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 125-130 қўзини наслга қолдирайлик!

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—ОММАГА

Азамат совет халқи коммунист-ки қурилишнинг барча соҳаларида ҳамisha янгиликни интилиш-га, бетининг изланиш ва ижод қилишга, ташаббус ирсатиб ишлашга одатланиб қолган. Чунки уни Коммунистик партия шунга ўргатмоқда, далават этмоқда.

Тажриба ва ташаббус одамларни улкан ишларга сафарбар этишда жуда катта роль ўйнайди ҳам да улларга қанот бахш этади. Бизда тажриба ва ташаббус юксак баҳоланади, бағоят қадрланади. Негани, ҳар қандай ишнинг илғор олга қилинган тажриба асосий мактаб, сингалган восита, зарур ва муҳим омил ҳисобланади.

Тажриба ва ташаббус бор жойда унум бор, қўним бор, кут-барақа, муъиззақорлик бор, дейишлари бечиз эмас. Тажриба ва ташаббус социалистик жамиятда умумхалқ мултига айлантирилган бонси ҳам ана шундай.

Кейинги вақтларда омилиор деҳқоннинг ўзи бир тажриба мактаби бўлиб қолди, бутун-бутун коллективлар, колхоз ва совхозлар ҳам илм, ҳам тажриба-намуна лабораторияларига айланди. Бу тажриба-намуна лабораториялари деҳқон азалдан орзу қилган академикни эслатади. Ҳа, деҳқон эндиликда ҳам олим, ҳам тажрибакор, ҳам яхши мутахассисдир.

Ўзбек деҳқони фан олами билан узвий алоқасини янада мустаҳкамлаб, сунгги пайларда жуда катта тажриба ортирди. Пахта экиладиган майдонларини виладан тозалаш борасида тўпланган тажриба бунинг ёркин далилидир. Бир майдонга узок вақт давомида ҳадеб пахта экивериш тулпро таркибидаги органик моддалар ва азотнинг миқдорини қаматиштириб юборади, унинг физик хусусияти ҳамда ерининг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади. Бунинг оқибатида, ғўянинг вилад билан масаллашмиш кучалади. Бунга йўл қўймаслиқ учун алмашалаб экишни кенг қўйиб этиш керак. Чунки, алмашалаб экиш маҳаллий ва минерал ўғитлардан, сувдан, механизациядан кўп махсусот олган ҳолда фойдаланиш, зараручи моддалар, турли касалликлар, бегона ўтларга қарши курашиш учун кулай шарт-шароитлар яхшироқ келтирилади.

Тажриба ва ҳисоб-китоблар шунинг кўрсаткичи, алмашалаб экишдан бир центнер пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнат, ўғитлар ва сунинг миқдори бир ерга узулусиз пахта экинадигани қараганда 30-40 процент камаяди. Бинобарин, бир центер ердан олинмадиган ҳосил алмашалаб экишнинг бир ротақиссида ўрта ҳисобда 6-9 центер ва бундан ҳам кўпроқ ортади. Ана шу тажрибага асос қўйган Наманган областидаги «Кизил Равот», Андижон области Хўжаобод районидagi «Ленинград», Янгйўл районидagi «Хамроқул» турсунолор, ХМЛ, Кичик районидagi «Партия ХМЛ», Кичик районидagi «Партия ХМЛ», «Победа» колхозлари ва бошқа кўпгина хўжаликлар пахтадан ҳамда бошқа қийин ҳўжалик экинларидан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар.

«Кизил Равот» совхози алмашалаб экишни 1960-1967 йилларда йўлга қўйган эди. Пахта-бедо алмашалаб экиш яхши йўлга қўйилганлиги аниқлаб берилди. Совхоз ҳар 100 центер ҳайдалаган ер ҳисобига 220 тонна пахта, 60 центердан гўшт ва 410 центердан сут етиштирмоқда. Хўжалигининг ана шу тажрибасини ҳар қандай ўрганса, оммалаштирса, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этса арзийди.

Фаргона водийсининг пахта майдонларида вилад айланиш кўп тарқалган. Деҳқончилик илм-тажрибасининг мийридан-сирингача ўрганб, билиб олган пахтакорлар бунинг илоинини топишпти. Хў-

жаобод районидagi «Ленинград» колхозига тажрибакор деҳқон Холмухаммад Жўраев бир неча йиллардан бундан раислик қилади. У жуда катта тажриба мактабини ўтган. Вилтини қўқотиш усулларининг ташаббускори ҳам унинг ўзи. Ўртоқ Жўраевнинг маслаҳати билан вилад босган майдонларнинг ҳар гектарига 400-450 тоннадан бегона тулпроқ солинмоқда. Шу тўғрйли бу майдонларда вилад 60 процент камаяди. Шу фактининг ўзи оддий бир деҳқон фарзанди колхоз ишлаб чиқаришида жуда катта тажриба ортирганидан далолат эмасми!

Кенг қаторлаб чигит экиш ташаббускори бўлган, ҳосилнинг 95 процентдан кўпрогини машинада тараётган ва бу соҳада кўп тажриба ортирган Сирдарё областидаги «Малик» совхози, чўча гўшти етиштиришда ҳаммага намуна бўлаётган Самарқанд областидаги «Июмбой» колхозининг, қорамолчилик, чўчақилик ва қўйчилик таркибларини бир-бирига боғлаб ривожлантиришда донг таратаётган «Галлазор» совхозлари ва бошқа хўжаликлар аниқли ишларини каттакор бир мактаб деса бўлади.

Илғор тажрибаларни оммалаштириш — умумхалқ, умумдаллат ишидир. Бу тажрибаларни ҳар бир кишининг, ҳар бир хўжаликнинг мултига айлантириш, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришига дадиллик билан жорий этиш, шу йўл орқали ҳар соҳада умумий юксалишга эришиш — ҳозирги кунларнинг жанговар вазифаси бўлмоғи керак.

Аноийи самара берадиган тажрибаларни, одамларга қанот бахш этадиган ташаббус, янгиликларни кенг пропаганда қилишда социалистик мусобақа етакчи роль ўйнайди. Башарият доҳийси В. И. Ленин юбилейи шарафига кун сайин, соат сайин авж олаётган миллионлар мусобақаси пахта, чорвачилик махсусотлари, сабзавот, дон, полза экинлари махсусотлари етиштиришда меҳнатнашларнинг эвангардларини ҳар қачонгидан ҳам ошириб юборади. Социалистик мусобақа етакчи куч сифатида янги-янги тажриба ва ташаббусларни майдонга чиқариб, барқанг улуғвор назоратлари бажаришга сафарбар этади.

Афсуски, бизда ҳали ҳам кўп маблаг сарфлаб, оз махсусот етиштириб, илғор тажрибаларни кенг йўлга етказиб бериш қараётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, яқин йилларгача пахтадан юқори ҳосил етиштириб, бутун Мирзачўлга доғ тарафган Гагарин номи совхоз негизини вақтда чўқиб қолди. Ҳосилдорлик некин қаматиб кетди, пахтанинг таннархи қимматлашиб борди, планлар тўламайди. Бунинг бирдан-бир сабаби — илғорлар тажрибаси кунт билан ўрганилмаётганлиги, ерининг ишдан чиқиб қолаётганлигидир. Совхозда алмашалаб экиш издан чиқарилган, ерларин шўр босиб кетган, ирригация-мелиорация тадбирлари ннчил амалга оширилмайдми. Бундай аҳволни Ленинград ва Бағдод районларидаги қатор хўжаликларда ҳам учратиш мумкин.

Вазифа — ана шу мамчиликларга барҳам беришдан, бутун кишининг илғор тажрибалар асосида ташиқ етишдан иборат бўлмоғи зарур. Партия, совет, комсомол ташкилотлари, кишлоқ хўжалик органлари қўйлама дала ишларига қизгин тайёргарлик кўрилайотган шу неча-кундада илғорлар тажрибасини ҳар тарафлама оммалаштиришга бош-қош бўлишлари, ҳар қандай ташаббусини яхши самара бериши учун сиёсий-тўшунтириш, ташиқий-хўжалик ишларини кўтаришни руҳ билан амалга оширишлари лозим.

НУҚУЛ ЭГИЗ

БУХОРО, [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Ёнқидувон районидagi «Кўкча» қўйчилик совхозида қўзиладиш уюшқилик билан бошланди. Бу ерда боқилаётган қўйлардан ўттиз минггаси совлиқлар эди. Дастлабки қўзиладиган миқмининг бош совлиқнинг қўйчилик эгиз берди.

ДЕХҚОНЛАРГА МАСЛАХАТ ТУПРОҚ КАРТОГРАММАСИ

Ўғитдан қандай фойдаланил-
сиз, уни ерга солиш агрохими-
яси биласизми? Биз шу хусусда
баъзи мулоҳазаларни эътиборин-
гизга ҳавола қилмоқчимиз. Ўғитни
дуч келган жойга таъминлаш со-
лишнинг фойда йўқ. Маҳаллий
ҳам, минерал ўғитларини
ҳам тупроқ картограммасига асо-
сан солиш керак. Оқимкор деҳ-
қонлар шундан қилиб, ҳосилдор-
лигини оширишмоқда. Буни Анди-
жон облатидаги кетор хўжалик-
лар мисолида кўриш мумкин.

Ленин районидagi Илчин номли,
«Правда Востока», Изобоскан рай-
онидagi «Андижон», Охунбобоев
номли, Хўжабод районидagi «Ле-
нингград» каби хўжаликлар ўғитдан
ишнинг кўзини билиб фойдалан-
моқдалар.

Область агрохимия лаборатори-
яси Андижон районидagi Эн-
гельс номли колхозда ўғитдан
картограммага асосан фойдала-
ниш юзасидан таъриб ўтказди.
Фосфор билан жуда кам таъмин-
ланган майдонларнинг ҳар гекта-
рига 150 килограммдан фосфорли
ўғитлар солинганда ҳосилдорлик
гектар бошига 4,2 центнер, ўртача
таъминланган ерларнинг гектарига
100 килограммдан солинганда ҳо-
силдорлик 3,1 центнер* ва тупроқ-
нинг таркибиде фосфор етарли
миқдорда бўлган ерларга 50 ки-
лограммдан солинганда ҳосил-
дорлик 1,1 центнер ошди. Тупроқ-
нинг таркибиде фосфор етарли
бўлган ерларнинг гектарига 50 ки-
лограммдан ортқ нормада фосфор
ўғитлар солинганда эса ҳо-
силдорлик ошди.

Демак, ўғитни билиб солишда
гап кўп. Ҳар бир хўжалик шундай
қилиши керак. Ўзбекистон Ком-
мунист Марказий Комитетининг
XVII пленуми партия, совет ва
хўшкор хўжалик органларидан
пахта ҳосилдорлигини оширишда
жуфта аҳамиятга эга бўлган
минерал ўғитлардан ва бошқа хи-
миявий саноатлардан самарали
фойдаланиш чораларини кўришни,
уларни таъбиб келтириш ва сак-

лаш ишнинг яхшилашши, тупроқ
карталари ва агрохимия карто-
граммалари асосида ҳар бир дала-
нинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб,
хўжаликларда ўғитни тўғри тақ-
симлашни талаб этди. Тупроқ
унумдорлигини оширишнинг му-
ҳим воситаси бўлган маҳаллий
ўғитлардан кенг фойдаланишни
таъсия этди.

ЎҒИТ КАРТОГРАММАГА АСОСАН ТАҚСИМЛАНСИН

Мамакатимизда зоналар бўйла-
ча агрохимия лабораториялари
таъкил этилган. Бундай лаборатори-
я Андижонда ҳам бор. У хўжалик-
лардан келтирилган тупроқ на-
муналарнинг химик анализи на-
тижаларига асосан облатдаги бар-
ча колхоз ва совхозларга карто-
грамма тузиб бериб, Унга илоҳ
қилиб тушутириш хати ҳам эзил-
ган. Тушутириш хатида карто-
граммалардан фойдаланиш, карто-
граммага асосан ўғит солиш да-
ври, ўғитларнинг йиллик нормалари
ва бошқа фойдали маслаҳатлар
бор.

Картограммага тупроқ таркиби-

даги фосфор миқдори ҳар хил
бўқлар билан, қалин эса 1—5 ра-
қамлари билан кўрсатилган. Буни
Кўргонтепа районидagi Тўқтағул
номли колхознинг 11-бригадаси
экин майдонларининг картограм-
маси мисолида кўриш мумкин.

Азотли ўғитлар тақсимоти пла-
нини тузишда тупроқ картасига
амал қилинади. Бунда бригаданинг
чегараси тупроқ картасидан аниқ-
лаиб, контурлар бўйича қанча
гектар ер қайси тупроқ тилига
тааллуқли эканлиги ҳисоблаб топи-
лади ва Қишлоқ хўжалик министр-
лиги томонидан 1968 йил 28 мар-
тада тасдиқланган қўлламага асо-
сан тупроқ тиллари учун нормалар
тақлилади. Мисол учун, яна Кўр-
гонтепа районидagi Тўқтағул но-
мли колхознинг 11-бригадасини
олайлик. Бригаданинг 75 гектар
ери бор. Шундан 47 гектари бўз
ва ўлқок-бўз туپроқли, 28 гектари
оқш ўлқок туپроқли ерлардан
иборат бўлиб, бўз ва ўлқок-бўз
туپроқли ерларга қўллама бўйи-
ча ҳосилдорлик гектар бошига
25-30 центнер бўлганда гектарига
165 килограммдан, оқш туپроқ-
ли ерларнинг гектарига эса 155
килограммдан азотли ўғитлар со-
лиш талаб қилинади. Белгиланган
ўғит нормаларини гектарига кў-
пайтириш йўли билан бригада бў-
йича талаб қилинадиган ўғит миқ-
дори аниқланади.

Колхоз мутахассислари азотли
ўғитларни ҳамма бригадалар учун
ҳам юқоридегидек ҳисоблаб, сўнг
колхоз бўйича талаб қилинадиган
азотли ўғитларнинг умумий миқ-
дорини ҳисоблаб чиқаришлари ке-
рак.

Юқорида айтиб ўтилганидек,
фосфорли ва калийли ўғитлар кар-
тограммага асосан тақсимланади.
Бу кўйидагича амалга оширилади.
Биринчи навбатда картограммадан
ҳар бир бригаданинг чегараси
аниқланади ва ҳар хил гуруҳларга
тааллуқли бўлган ерлар майдони
контурлар бўйича ҳисоблаб чи-
қилади.

Масалан, Кўргонтепа районидagi
Тўқтағул номи колхознинг 11-
бригадасидagi 738 контурли ер
майдони 17,98 гектар бўлиб, шун-
дан 8,99 гектари ҳаракатчан фос-
фор билан кам, 8,99 гектари эса
уярча таъминланган.

Шу ерларнинг ҳосилдорлиги 25-
30 центнер атрофида бўлса, кар-
тограммага асосан гектарига 75-
100 килограммдан фосфорли ўғит-
лар солиш керак. Сўнг аниқланган
гектарлар уша гуруҳга тааллуқ-
ли бўлган нормага кўпайтирилиб,
натижаси тонна ҳисобда ёзиб қў-
йилади.

Бригадаларга «алоҳида қилиб ту-
зилган» планлар умумлаштирилиб,
колхоз бўйича ерларнинг таркиби-
даги ҳаракатчан фосфор миқдо-
рига қараб гектарлар ва карто-
граммага асосан талаб қилинади-
ган ўғит миқдори аниқланади. Бу
таъбирни картограммага асосан
тулиқ нормада фосфорли ўғитлар
олинадиган хўжаликларда қўл-
ламага асосан ҳам ўғит
олиса, у ҳолда ўғит тақсимоти пла-
нини қўйидагича тузилади.

Масалан, хўжалик картограмма-
га асосан 895 тонна фосфорли

ўғитлар олиши керак. Лекин 791
тонна олдди. Бунда 791 тонна 100
кўпайтириб, 895 га бўлиш ке-
рак. Шунда 88,3 процент чиқди.
Бу ҳолда 125 килограммин 88,3
процентга кўпайтириб, 100 га бўл-
са 110 килограмм чиқди. Демак,
фосфор билан жуда кам таъмин-
ланган ерларнинг гектарига 110
килограммдан фосфорли ўғитлар
солиш керак. Фосфор билан кам
таъминланган ерларнинг гектарига
йиллик норма 100 килограмм ўр-
нига, 88 килограмм қилиб белги-
ланади. Бунда ҳар гектар ерга со-
линадиган ўғитнинг миқдори 100
килограммин 88,3 процентга кў-
пайтириб, 100 га бўлиш йўли би-
лан аниқланади.

Калийли ўғитлар тақсимоти пла-
нини тузишда ҳам худди фосфор-
дагидек йўл тутилади. Ҳамма бри-
гадаларда алоҳида тақсимот плани
тузилади.

Картограммага кўрсатилган ка-
лийли ўғитларнинг йиллик миқдо-
рини тула нормада шўрланмаган
ва шўри яхшилаб ювилган жойлар-
га солиш ҳосилдорлигини бир неча
центнер ошириш имконини бера-
ди. Калийли ўғитлар тақсимоти
планини тузишда тупроқнинг ме-
ханмик таркибини ҳам ҳисобга олиш
зарур.

МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ МИНЕРАЛ ЎҒИТНИНГ САМАРАСИНИ ОШИРАДИ

Пахтачиликда минерал ўғитлар-
нинг самараси ерга маҳаллий ўғит-
га аралаштириб солинганда яна
ҳам ортади. Маҳаллий ўғит солин-
ган ерларнинг физик ва химик ҳу-
сусяти яхшиланади. Тупроқ тар-
кибиде фойдали микроорганизм-
лар кўпаяди. Аинқиса ерга ҳар хил
чингидан тайёрланган компост
солinsa тупроқнинг таркиби янада
бонийда, ҳосилдорлиги тағин ҳам
ошади.

Компост тайёрлаганда ҳар бир
хўжалиқнинг имкониятини ҳисобга
олиш, органик чингидига эски зо-
вор, пахса девор ва ади тупроқ-
ларини қўйиш мумкин. Агар хўжа-
ликда гўн озорок бўлса, компост
таркибидagi тупроқ миқдорини
гўнга нисбатан кўпроқ, гўн етар-
ли бўлган тақдирда унинг миқдо-
рини тупроқга нисбатан баравар
еки ундан кўпроқ қилиш мумкин.

Ўтказилган таъриб натижалари-
га асосан компост тайёрлаганда
бир тонна гўн ҳисобига 20-40 ки-
лограммдан суперфосфат аралаш-
тириш таъсия қилинади. Бундай қи-
линганда тайёрланган компост-
нинг сифати яхшиланади. Тайёр-
ланган компостни биринчи навба-
тда фосфор ва калийга ўта муҳтож
ерларга тула норма билан солиш
зарур.

